

ҚОРАҚАЛПОҚ, ТУРКМАН ВА ИНГЛИЗ БОЛАЛАР ҚҰШИҚЛАРИНИНГ ТҮПЛАНИШИ, НАШР ЭТИЛИШИ ВА ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИ

Абдуллаева Сайёра

Коракалпок давлат университети

Инглиз тилшунослиги кафедраси стажёр-оқитувчиси

48877//67243.674/0009-0000-3167-9499

pulatovnasayyora@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.21889657>

Аннотация. Мақолада қорақалпоқ, туркман ва инглиз болалар қўшиқларини тўплаш ҳамда нашр этиш усулларининг тарихий тараққиёти қиёсий таҳлил қилинган. Умумий фольклор тўпламидан махсус жанрий корпусга, босма матндан аудиовизуал архивга ўтиш жараёнлари очиқ берилган. Манба паспорти, вариант, ижро контексти ва рақамлаштириш масалалари баҳоланган.

Калит сўзлар: болалар қўшиғи, фольклор тўплаш, академик нашр, манба паспорти, рақамли архив.

Аннотация. В статье сравнительно анализируется историческое развитие принципов собирания и публикации каракалпакских, туркменских и английских детских песен. Раскрывается переход от общих фольклорных сборников к специальным жанровым корпусам, от печатного текста к аудиовизуальному архиву. Рассматриваются паспортизация источников, вариантность, исполнительский контекст и цифровизация.

Ключевые слова: детская песня, собирание фольклора, академическое издание, паспорт источника, цифровой архив.

Abstract. The article comparatively examines the historical development of collecting and publishing Karakalpak, Turkmen, and English children's songs. It traces the transition from general folklore collections to specialized genre corpora and from printed texts to audiovisual archives. Source metadata, variation, performance context, and digitization are evaluated.

Keywords: children's song, folklore collection, academic edition, source metadata, digital archive.

Қорақалпоқ болалар қўшиқларини тўплаш ва нашр этиш босқичлари. Қорақалпоқ халқ оғзаки ижодининг илк ёзувлари махсус болалар фольклори дастури асосида эмас, умумий маънавий меросни тўплаш жараёнида амалга оширилган. Шунинг учун дастлабки қўлёзма ва тўпламларда болаларга тегишли матнлар алла, халқ қўшиғи, урф-одат айтимлари, ўйин, терма ёки майда жанрлар номи остида тарқоқ ҳолда учрайди.

Қорақалпоқ олимлари Қ.Жаримбетов ва Қ.Оразымбетов қорақалпоқ оғзаки адабиётини халқдан ёзиб олиш ва нашр қилиш XX асрнинг биринчи ярмида изчил тус олганини кўрсатадилар. Улар Н.Дәўқараев, Н.А.Баскаков, Қ.Айымбетов ва О.Кожуровни дастлабки тўпловчи ва таснифчилар қаторида қайд этадилар. 1950–1960-йилларда Н.Жапақов, И.Сағыйтов, Қ.Мақсетов, Ә.Тәжимуратов, Қ.Мәмбетназаров, Н.Камалов, Ә.Алымов, Т.Нийетуллаев ва М.Низаматдинов каби олимлар алоҳида жанрлар устида иш олиб борганлар.

Натижада болалар фольклори қорақалпоқ халқ оғзаки ижодининг нисбатан мустақил соҳаси сифатида ажратила бошланган [1, 11].

Мазкур жараёндан икки хулоса келиб чиқади. Биринчидан, болалар қўшиқларини тўплаш умумий миллий фольклор корпусини шакллантириш билан бирга кечган. Иккинчидан, «болалар фольклори» таснифий тушунчаси материаллар муайян даражада жамланганидан кейингина илмий муомалада мустақамланган.

1930–1960-йилларда фольклор секторлари ва экспедиция гуруҳларининг фаоллашиши натижасида тасодифий қайддан режали тўплашга ўтилди. Информант, яшаш жойи, жанр ва вариант ҳақида маълумот беришга эътибор кучайди. Бироқ болалар қўшиқларининг куйи, темпи, ижро ҳаракати ва вазияти ҳар доим ҳам тўлиқ ҳужжатлаштирилмади. Бу ҳол ўша давр фольклоршунослигида матннинг ижродан устун қўйилганини кўрсатади.

Олимлар Қ.Жаримбетов ва Қ.Оразымбетов дарслигида болалар фольклорига алоҳида бўлим ажратилган. Муаллифлар ҳэйиўнинг бешик тебратиш жараёнидаги вазифаси, ўйин қўшиқларининг жамоавий ҳаракат ва савол-жавоб усули билан боғлиқлигини кўрсатиб, ҳэйиў, мустақил болалар қўшиқлари, ўйин айтимлари ва ёлғон шеърлардан намуналар келтирадилар [2, 22–25]. Демак, бу босқичда материалларни нашр қилиш билан бирга уларни функционал хусусиятига кўра ажратиш ҳам бошланган.

Қорақалпоқ болалар фольклорининг йирик матний фонди «Қарақалпақ фольклори» юз жилдлик академик нашрида жамланган. Нашрдаги болалар фольклори материаллари «Қарақалпақ поэзиясиның антологиясы» (1959), «Қарақалпақ халық қосықлары» (1965), «Қарақалпақ фольклори» (1980), «Қарақалпақ халық аўызеки дөрөтпелери» (1990), «Қарақалпақ халқының этнопедагогикасы» (1996) сингари китоблардан, шунингдек, Қ.Айымбетов, Ә.Тәжимуратов, М.Низаматдинов, Ә.Алымов, А.Пирназаров, Қ.Мәмбетназаров, Х.Есбергенов ва Ж.Хошниязовларнинг дала ёзувларидан танланган [3, 12].

Кўп жилдлик китобга 1991-йилдан Нукус давлат университети қошидаги «Қарақалпақ фольклори лабораториясы»да сақланган қўлёзмалар, 2002–2004-йилларда «Қарақалпақстан» журналы, 2004–2007-йилларда «Өмир Едиге сарайы» этнография муассасаси томонидан уюштирилган экспедициялар материаллари ҳам киритилган. Шу тариқа мазкур академик нашрда тўрт хил манба бирлаштирилган: аввалги нашрлардан олинган матнлар; архив ва шахсий қўлёзмалар; махсус экспедиция ёзувлари; замонавий халқаро лойиҳалар доирасида қайд этилган материаллар. Бу қорақалпоқ болалар фольклорининг турли давр ва ҳудудларга тегишли намуналарини ягона миллий корпусда ўрганиш имконини берган.

Юз жилдликда болалар фольклори алла поэзияси ва болаларнинг мустақил оғзаки ижоди каби икки йирик қатламга ажратилган. Унда ҳэйиў, сўймиш, термиш, сўзлама, айдирмаш, санамаш, тақмақ, ўйин чақириқлари, мавсумий ҳамда сатирик-диалогик айтимлар берилган. Масалан, «Ер балаға арналған сўймишлер» бўлимида:

Аллай, аллай, алдырған,

Алғанда қолын талдырған,

Сўйгенде мийрин қандырған.

каби эркалама матни келтирилади [4, 467]. Намунанинг «сўймиш» сифатида таснифланиши қисқа эркалама формулаларининг ҳаёиёдан функционал ва жанрий жиҳатдан фарқланганини кўрсатади.

Қорақалпоқ тадқиқотларида болалар қўшиқларини жанрларга ажратиш, уларнинг тарбиявий-этнопедагогик вазифасини очиш ва ёзма болалар адабиётининг фольклорий манбаларини аниқлаш устувор бўлган. Олим Н.Дəўқараев болалар шеърларининг жамоавий ижроси, халқ ўйинлари ва савол-жавоб шаклига эътибор қаратган. Олимлар Қ.Айымбетов ва Қ.Мақсетовнинг жанр ҳамда ижрочилик ҳақидаги қарашлари кейинги изланишларда давом эттирилган. Олим Қ.Бийсенбаев эса болалар фольклорининг шаклланишида халқ қўшиқлари, ўйинлари, эпик асарлар ва катталар фольклорининг таъсирини таҳлил қилган [5, 136–137].

Туркман болалар қўшиқларининг тўпланиши ва ўрганилиши. Туркман болалар қўшиқларининг нашр тарихи, асосан, умумий халқ ижоди китоблари ва жанрий тўпламлар доирасида шаклланган. Ҳўвдилар оналар поэзияси, сановачлар кичик жанрлар ёки ўйин фольклори, мавсумий айтимлар эса маросим қўшиқлари таркибида берилган. Бу усул матнларни сақлаб қолган бўлса-да, уларнинг ягона махсус корпусда жамланишини кечиктирган.

Туркман халқ поэзиясига оид илк жанрий нашрлар қаторида тадқиқотчи С.Аннанурованинг «Läleler» (1940) ва «Aýal-gyzlaryň aýdym we läleleri» (1941) тўпламлари қайд этилади. Улар бевосита болалар фольклорига бағишланмаган, аммо қизлар ижросидаги мавсумий ва жамоавий шеърый анъаналарни матнлаштиргани билан кейинги ёш ва ижро таснифлари учун манба вазифасини бажарган [6, 179].

Ҳўвди туркман болалар қўшиқ фольклорининг нисбатан яхши сақланган қатламидир. Бу унинг оила муҳитида катталар томонидан ижро қилиниши ва оналар хотираси орқали авлоддан авлодга ўтиши билан изоҳланади. Hojamurat Goçmyradow ҳўвдиларни икки функционал гуруҳга ажратади: болани бешиқда ёки она бағрида ухлатишга хизмат қилувчи қўшиқлар ҳамда уни овутиш, эркалаш ва тил чиқариш даврида айтиладиган «çaga söýgüsi»га яқин намуналар [7, 33].

Олим Н.Гоçmyradow сановачларни катталар томонидан болалар учун яратилган, лекин болаларнинг ўзлари ижро этадиган оғзаки жанр сифатида тавсифлайди. Уларни бир жойда ўтириб айтиладиган ва муайян ўйин ҳаракати билан ижро этиладиган турларга ажратади. «Öw-öwek», «Ýumak tapdym», «Ekem-öwem», «Bagym-bagym», «Aýterek-Günterek» каби намуналарнинг ўйиндаги вазифаси ва ижро тартиби изоҳланади [10, 38–45]. «Sen çyk!» ёки «Çek aýak!» формуласи билан тугайдиган айтимларнинг иштирокчини танлаш ёки ўйиндан чиқариш вазифасини бажариши кўрсатилган.

Ушбу ёндашувнинг ютуғи матнни унинг амалий вазифаси билан бирга ўрганишдир. Шу билан бирга, информант, ҳудуд ва ёзиб олинган сана тўлиқ берилмаган ҳолларда вариантларнинг географик тарқалиши ҳамда тарихий ўзгаришини кузатиш қийинлашади.

Тадқиқотчи Амангүл Дурдиева ўзбек, туркман, озарбайжон ва Анадоли турклари анъанавий шеърятини урф-одат, қўшиқ матни ва миллий-маиший контекст бирлигида қиёслади [11, 77–86]. Мақола тўй қўшиқларига бағишланган бўлса ҳам, ундаги «ўхшаш функция - миллий жиҳатдан фарқланувчи ижро» тамойили болалар қўшиқларини қиёсий ўрганишда ҳам муҳимдир.

Демак, туркман фольклоршунослигида ҳувди ва сановачларнинг матний ҳамда тарбиявий хусусиятлари нисбатан яхши ёритилган. Бироқ тарқоқ материалларни бирлаштириш, ҳар бир намунага манба паспортини илова қилиш, куй ва ҳаракатни аудиовизуал шаклда қайд этиш ҳануз долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Инглиз болалар қўшиқларини тўплаш ва нашр этиш тарихи

Инглиз болалар қўшиқларининг нашр тарихи дастлаб оғзаки ижрони илмий экспедиция орқали қайд этишдан эмас, оммавий босма китоблардан бошланган. «Tommy Thumb's Pretty Song Book»нинг 1744-йилда сақланиб қолган қисми nursery rhyme матнларини бир китобда жамлаган дастлабки нашрлардан бири ҳисобланади. Бироқ унда матнларнинг қаерда, кимдан ва қандай ижрода ёзиб олингани кўрсатилмаган.

XVIII аср китоблари nursery rhymеларнинг энг қадимги босма кўринишларини аниқлаш учун муҳим, аммо оғзаки ижро ва ҳудудий вариантларни тиклаш учун етарли эмас. Босма шакл оғзаки анъананинг ягона «асл нусхаси» эмас, балки муайян даврда таҳрир қилиниб нашр этилган вариантдир.

Олим James Orchard Halliwellнинг 1842-йилда чоп этилган «The Nursery Rhymes of England» тўплами инглиз болалар фольклорини тизимлаштиришда муҳим босқич бўлди. У алла, эркалама, санама, топишмоқ, ўйин ва ҳазил шеърларни бир корпусга жамлаб, кейинги нашрларда жанрий бўлимларга ажратди [13]. Унинг 1849-йилги «Popular Rhymes and Nursery Tales» асарида материалларни ҳудудий корреспондентлар, оғзаки анъана ва аввалги босма манбалардан тўплаш тажрибаси давом эттирилди.

Олим James Orchard Halliwell тўпламларининг асосий аҳамияти тарқоқ матнларни сақлаб қолиш ва уларнинг тарихий босма манбаларини аниқлашдадир. Лекин ижрочининг ёши, ижро ҳаракати, куйи ва аниқ қайд санаси кўп ҳолларда берилмаган. Шу сабабли унинг ишлари матншунослик учун қимматли, ижро этнографияси учун эса нисбатан чекланган манба ҳисобланади.

Тадқиқотчи Henry Carrington Boltonнинг 1888-йилдаги «The Counting-Out Rhymes of Children» тадқиқоти болалар санамаларини халқаро миқёсда қиёслаган дастлабки йирик ишлардан биридир. У турли халқлар санамаларидаги сонлар, маъноси ноаниқ товуш бирикмалари ва якуний чиқариш формулаларини таҳлил қилган [14, 1–6]. Асарнинг янгилиги санамани алоҳида миллий матн эмас, турли халқларда вариантлашиб яшайдиган функционал тип сифатида баҳолашдадир. Бироқ товуш ўхшашлиги асосида қадимий генетик алоқалар ҳақида ҳулоса чиқариш замонавий тадқиқотда тил тарихи, хронология ва маданий алоқа далиллари билан текширилиши зарур.

XIX аср охирида тадқиқотчи Alice Bertha Gommенинг икки жилдли «The Traditional Games of England, Scotland, and Ireland» асари болалар қўшиқларини нашр этиш тамойилини сезиларли даражада ўзгартирди. Унда ўйин номи, матн, куйи, ижро қоидаси ва ҳудудий вариантлари биргаликда берилган [15, 17-19]. Шу тариқа болалар ўйин қўшиғи матн, куй ва ҳаракатдан ташкил топган яхлит ижро комплекси сифатида қайд этилди. Halliwellда асосий бирлик матн бўлса, Gomмеда ижро воқеасига яқинлашиш кузатилади.

XX асрда олимлар Iona ва Peter Opie инглиз болалар фольклорини тўплаш ва ўрганишда янги босқични бошлаб бердилар. «The Oxford Dictionary of Nursery Rhymes» китобида nursery rhymеларнинг илк босма қайдлари, тарихий манбалари, вариантлари ва куйлари жамланган [16, 5-7]. «The Lore and Language of Schoolchildren» асарида эса санама, масхаралама, ўйин формуласи, махфий сўзлар ва гуруҳ қоидалари бевосита мактаб ўқувчиларидан тўпланган.

Мазкур ёндашувда бола катталардан тайёр матнни қабул қилувчи эмас, балки тенгдошлар гуруҳида янги вариант яратувчи ва уни тарқатувчи фольклор субъекти сифатида қаралган. Натижада «nursery rhyme» ва «schoolchild lore» тушунчалари ўртасидаги функционал фарқ аниқлашган: биринчиси кўпроқ оилавий ва китобий репертуарни, иккинчиси болаларнинг мустақил гуруҳ маданиятини англатади.

Олимлар Iona ва Peter Opielarning «The Singing Game» китобида Британия оролларидаги 150 га яқин куйли ўйин матн, мусиқа, ҳаракат ва ижро анъанаси бирлигида тавсифланган. Уларнинг 1969–1983-йилларда болалар майдонлари ва боғларда амалга оширган 137 та аудиоёзуви кейинчалик British Library фондида «Opie Collection of Children's Games and Songs» номи билан сақланган [17]. Аудиоёзувлар қўшиқ ритми, талаффузи, темпи, гуруҳий жавоб ва ижро оҳангини қайта тиклаш имконини беради.

Тадқиқотчи Steve Roud тузган «Roud Folk Song Index» эса бир қўшиқнинг турли сарлавҳа, биринчи мисра ва ҳудудий вариантларини ягона рақамли идентификатор орқали боғлаш имконини яратди [18]. Бу усул, айниқса, барқарор сарлавҳага эга бўлмаган болалар қўшиқларини топиш ва уларнинг вариантларини қиёслашда муҳим аҳамиятга эга.

Умаман олганда, қиёсий таҳлил уч анъана бир хил босқичларни турли тарихий даврларда босиб ўтганини кўрсатади. Инглиз фольклоршунослигида босма нашр тарихи эрта бошланган, аммо дастлабки китобларда ижро муҳити деярли қайд этилмаган. Қорақалпоқ ва туркман материаллари илмий нашрларга нисбатан кечроқ кирган бўлса-да, уларда қўшиқларнинг оилавий, маросимий ва ўйин муҳитига доир этнографик маълумотлар сақланган.

Инглиз анъанасининг устун жиҳати тарихий-библиографик индексланиш, ҳудудий вариантларни қиёслаш, куй ва ҳаракатни қайд этиш ҳамда материалларни бевосита болалар жамоасидан тўплашда кўринади. Қорақалпоқ фольклоршунослигининг йирик ютуғи эса аввалги нашрлар, шахсий ёзувлар, лаборатория қўлёзмалари ва янги экспедиция материалларининг академик корпусда бирлаштирилганидир. Туркман тадқиқотларида ҳувди ва сановачларнинг поэтик, функционал ва тарбиявий мазмуни яхши ёритилган, аммо уларнинг ҳудудий вариантлари, мусиқий

нотацияси ва манба паспортини тизимлаштириш зарурати сақланиб
қолмоқда002E

Adabiyotlar, References, Литературы:

1. Жаримбетов Қ.Қ., Оразымбетов Қ.К. Қарақалпақ әдебияты. - Нөкис: Билим, 2006.
2. Қарақалпақ фольклоры: 100 томлық. 98–100-томлар. - Нөкис: Илим, 2015.
3. Бийсенбаев Қ.Б. Қорақалпоқ болалар фольклорининг шаклланишида халқ оғзаки ижодкорлигининг тутган ўрни ва аҳамияти // Ilim hám jámiyet. - 2023. - №3. - Б. 136–137.
4. Goçmyradow H. Türkmen halk döredijiligi. - Aşgabat: Türkmen döwlet neşirýat gullugy, 2010.
5. Gelin-gyzlaryň şahyrana döredijiligi. - Aşgabat: Türkmenistanyň milli medeniýet «Miras» merkezi, 2005. - 400 s.
6. Durdıyeva A. Türk Dilli Halkların Folklorunda Geleneksel Şiir İlişkileri // Bilig. - 1997. - №6. - S. 77–86.
7. Özhan M. Türk Cumhuriyetlerinde Çocuk Oyunları. - Ankara, 1997.
8. Demir E. Erzurum Çocuk Folkloru ve Edebiyat // Ege Sosyal Bilimler Dergisi. - 2019. - C. 2. - №2.
9. Halliwell J.O. The Nursery Rhymes of England. - London, 1842; 5th ed. - London: Frederick Warne and Co., 1886.
10. Halliwell J.O. Popular Rhymes and Nursery Tales. - London: John Russell Smith, 1849.
11. Bolton H.C. The Counting-Out Rhymes of Children: Their Antiquity, Origin, and Wide Distribution. - New York: D. Appleton and Company, 1888.
12. Gomme A.B. The Traditional Games of England, Scotland, and Ireland, with Tunes, Singing-Rhymes and Methods of Playing. Vol. I. - London: David Nutt, 1894.
13. Opie I., Opie P. The Oxford Dictionary of Nursery Rhymes. - Oxford: Clarendon Press, 1951.
14. Opie I., Opie P. The Lore and Language of Schoolchildren. - Oxford: Clarendon Press, 1959.
15. Opie I., Opie P. The Singing Game. - Oxford: Oxford University Press, 1985.
16. British Library. Opie Collection of Children's Games and Songs.
17. Vaughan Williams Memorial Library. Roud Folk Song Index. - <https://www.efds.org>.